


«ТАСДИҚЛАНДИ»

Буюртмачи номи:

Пешку туман Ободонлаштириш

бошкармаси

 **K.R.Имомов**

“ ” 2022 йил



Пешку туман Хуррам МФЙ худудида пиёдалар йўлакларини таъмирлаш

объекти бўйича:

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ УЧУН ҲУЖЖАТ

ТАНЛАШ ҲУЖЖАТНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ

"Пешку туман Ободонлаштириш
бошкармаси."

2022 йил

МУНДАРИЖА

НАШРДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН ЭЪЛОН МАТНИ

(Танлаш иштирокчиларига тақдим этилмайди)

ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ

УМУМИЙ ҚИСМ

ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ ТЕХНИК БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

ТАНЛАШ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ АНИҚЛАШ
СХЕМАСИ

ТЕХНИК ҚИСМ

БАЖАРИЛАДИГАН ИШ ҲАЖМЛАРИ РЎЙХАТИ

ТИЖОРАТ ҚИСМ

БУЮРТМАЧИННИГ БОШЛАНГИЧ НАРХИ

ХИЗМАТ КУРСАТИШНИ ЯКУНЛАШ МУДДАТИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАСИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ

ШАРТНОМА ВАЛЮТАСИ

БАРЧА ХИЗМАТ КУРСАТУЧИ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

Пешку туман Ободонлаштириш бошкармаси
(Буюртмачи ташкилот номи)

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ үЧУН ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Пешку туман Хуррам МФЙ худудида пиёдалар йўлакларини таъмирлаш
 89 598 000 сўм. (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати –20 календарь кун.

Буюртмачи: Пешку туман Ободонлаштириш бошкармаси
 •, Тел (98) 274 77 66.

Молиялаштириш манбаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан.

- ◆ Танлаш иштирокчилари қуйидаги талабларга лойик бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни
- ◆ бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- ◆ Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлашда қатнашганда, танлаш таклифларини баҳолашда маҳаллий танлаш иштирокчиларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:
- ◆ Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлаш таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солигидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш ҳужжатларини etender.uzex.uz сайдидан олишлари мумкин

- ◆ .
- ◆ Таасдиқланган танлаш ҳужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича etender.uzex.uz маҳсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.
 - ◆ Таклифлар танлаш ташкилотчиси томонидан etender.uzex.uz электрон танлаш эълонида чоп этилган кундан бошлаб тугайдиган вақтига қадар қабул қилинади.

Пешку туман Ободонлаштириш бошкармаси:

ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

**Пешку туман Хуррам МФЙ худудида пиёдалар йўлакларини таъмирлаш
(буюртмачи номи ва объект номи)**

танлашда иштирок этишга танлаш иштирокчиларини таклиф этамиз ва қўйидаги объект бўйича танлаш таклифини тақдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: Пешку туман Хуррам МФЙ худудида пиёдалар йўлакларини таъмирлаш

Хизмат курсатиш бошланғич нархи – **89 598 000 сўм.** (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати –20 календарь кун.

Буюртмачи: Пешку туман Ободонлаштириш бошкармаси,

Молиялаштириш манбаси: : Бюджет маблағлари ҳисобидан.

Таклиф этилган шартлар бўйича танлашда мурожаат билан маҳаллий ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Энг яхши таклифни Танлашда иштирок этиши учун иштирокчиларга қўйидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизmlар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган);

танлаш объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми, хақидаги маълумотларни тақдим этиш;

устав фонди микдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлаш предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлик фаолият қонун хужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танлашда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлаш иштирокчиларга рухсат этилади.

Қўйидаги танлаш иштирокчиларига танлаш жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Ҳар бир объект бўйича қурилишда ишлатиладиган машина ва механизmlар рўйхати тўлиқ илова килиниши керак.

Ҳар бир объект бўйича тендерга эълон берган вақтида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тўлиқ кўрсатилиши керак. Мехнат дафтарчалари ва буйруқ ҳар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўлиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳоланганда нотўғри маълумот берилса тендер хужжатлари кўрилмасдан қайтарилади.

Танлаш таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча хужжатлар танлаш иштирокчилари учун йўрикномада акс эттирилган.

Танлаш иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлаш таклифини тузиш мақсадида танлаш предметининг таъмирлаш хужжатлари, хусусан, таъмирлашнинг график қисми (чизмалари)ни тақдим этилиши ҳақида танлаш ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси объектнинг таъмирлаш хужжатларини, шунингдек унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианти)ни танлаш иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш хужжатларини etender.uzex.uz сайдидан олишлари мумкин

Таклифларни топшириш танлаш иштирокчисининг танлаш хужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан таъмирлашнинг тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни танлаш эълон қилинган санадан бошлаб 5 (беш) иш кундан кейин танлаш комиссияси томонидан etender.uzex.uz маҳсус ахборот портали оркали куриб чикилади ўтади.

Пешку туман Ободонлаштириш бошкармаси:

ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

1.1. Буюртмачи - танлаш ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган объект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, танлаш ташкилотчиси номидан иш юритиб, ТАЖда кўрсатилган объект бўйича танлаш эълон килади.

1.2. Танлашнинг тури – очик танлаш, агар ТАЖда бошқача айтиб ўтилмаган бўлса.

1.3. Ишлар танлаш хужжатларининг иловада кўрсатилган намунавий пудрат шартномаси талабларига биноан бажарилиши лозим.

1.4. Курилиш ишлари, Ўзбекистон Республикаси худудида амал килувчи шаҳарсозлик нормалари ва коидаларига тўла мос келишини таъминлаш максадида, талаб килинадиган барча ишчи кучлари, курилиш материаллари, ёнилғи, жихозлар, умумий ва алоҳида характердаги иш турлари, барча зарур бўлган йўлдош ва ёрдамчи иш ва материаллар, танлаш иштирокчилари фаолиятини мувофикаштиришни назарда тутади.

II. ТАНЛАШ ХУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

2.1. Ушбу танлаш хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 апрелдаги №ЎРҚ 684-сонли конунига мувофик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги конунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидагиги ПҚ-3953-сонли карорининг талабларига биноан ишлаб чиқилган ва умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат.

2.2. Умумий қисм танлаш иштирокчиларига таклиф, шартноманинг умумий талаблари ва мазкур йўриқномани, шакл ва иловалар қўшилган холда, ўз ичига олади.

2.2.1. Шакллар рўйхати:

1-шакл. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолати.

2-шакл. Танлаш иштирокчиси хакида умумий маълумотлар.

3-шакл. Танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

4-шакл. Танлаш иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртacha сони бўйича кўрсаткичлари.

5-шакл. Банк кафилиги.

6-шакл. Танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги уч йиллик иш тажрибаси.

7-шакл. Танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.

8-шакл. Танлаш иштирокчисининг жорий даврдаги бошка (пудрат шартномалари) объектлари.

9-шакл. Курилиш майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома.

2.2.2. Иловалар рўйхати:

1-илова. Объектнинг жамланма жадвали, объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, объект хизмат курсатишнинг шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларининг нархлари.

2.3. Техник қисм:

буюртмачи томонидан тасдикланган қиймати киритилмаган физик иш ҳажмлари рўйхати; (4-илова асосида) жихозлар, материал ва конструкциялар буюртмасининг тўлиқ рўйхатидан иборат.

Изоҳ: Таъмирлашнинг хусусиятига қараб техниковий қисм таркибига ТАЖга биноан бошқа ҳужжатлар ҳам киритилиши мумкин.

2.4. Тижорат қисми:

курилишнинг бошланғич нархи;

курилишнинг муддати;

молиялаштириш манбаси, шартлари ҳамда шартнома лойиҳасидан иборат.

III. ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Мазкур таъмирлаш ишлари бўйича танлашда таклиф этилган шартлар бўйича иштирок этиш максадида мурожаат маҳаллий ва хорижий курилиш ташкилотлари танлаш иштирокчиси бўлиши мумкин.

3.2. Танлаш иштирокчиси танлашда иштирок этиш учун танлаш ташкилотчисига мурожаат этиши, мазкур йўриқноманинг VII боби талабларига биноан танлаш таклифини тақдим этиши лозим.

3.3. Танлаш иштирокчиси ўзининг танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлик барча харажатларни ўз зиммасига олиши керак. Бунда буюртмачи, танлаш ташкилотчиси ва танлаш комиссияси танлаш натижаларидан катъий назар мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

3.4. Танлаш иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар (таклифлар) танлаш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

IV. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ

4.1. Буюртмачи танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин танлаш ҳужжатларига ўзгартаришлар киритиш тўғрисида қарор қабул килишга ҳакли. Иш ҳажмларни (хизматларни) ўзгартаришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танлашда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлаш ҳужжатларига ўзгартаришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак.

Шу билан бир вактда, танлаш ташкилотчиси киритилган ўзгартаришлар хакида танлашда иштирок этиш истагини билдирган танлаш иштирокчиларига билдиришномалар юборади.

4.2. ТАЖда кўрсатилган муддат доирасида танлаш иштирокчиси ёзма равишда танлаш ташкилотчисига танлаш ҳужжатлари бўйича тушунтириш ва аниқлик киритиш максадида мурожаат килишга ҳакли.

4.3. Танлаш ташкилотчиси танлаш иштирокчисининг сўрови бўйича танлаш хужжатларига оид маълумот ва материалларга тушунча бериш билан боғлик сўровлар мөхияти бўйича таклифларни топширишнинг ТАЖда кўрсатилган муддатдан кечикмасдан ёзма равиша жавоб беришга, сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танлашда иштирок этиши истагини билдирган танлаш иштирокчиларига жавобларни жўнатишга мажбур.

4.4. Танлаш хужжатларига ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритиш улар буюртмачи, танлаш ташкилотчисининг шахсий ташаббуси билан ёки танлаш иштирокчисининг сўровига жавобан амалга оширилганлигидан катъий назар “Танлаш иштирокчилари хабарнома” кўринишида расмийлаштирилади ва танлаш хужжатларига кўшимча бўлиб колади. Шу кўринишида расмийлаштирилмаган ўзгартиришлар ва кўшимчалар кучга эга бўлмайди. Буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси танлаш иштирокчилари ноконуний киритган ўзгартириш ва кўшимча учун жавобгар бўлмайдилар.

4.5. Танлаш иштирокчилари хабарномани олгач унинг илова килинган нусхасига имзо чекиб, дархол уни ташкилотчига кайтаришлари керак.

4.6. Танлаш иштирокчилари учун хабарнома тузишдан олдин оғзаки шаклда килинган йўрикномалар эътиroz учун асос бўла олмайди.

4.7. Танлаш иштирокчиларига ўз таклифларига ўзгартиришлар киритиш учун зарур вакт тақдим этиш максадида ташкилотчи танлаш комиссияси билан келишилган ҳолда мазкур йўрикноманинг XIII бобига мувофик таклифлар тақдим этиш муддатини узайтириши мумкин. Бунда танлаш иштирокчиларига жўнатиладиган хабарномада таклифлар тақдим этиш муддатини янги охирги санаси белгиланади.

V. ХУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ

5.1. Танлаш иштирокчилари танлаш ва таъмирлаш ишлари хужжатларини ўрганиб чикишлари керак, танлаш иштирокчилари танишиб чикиш максадида танлаш предметининг таъмирлаш хужжатлари, хусусан, таъмирлашнинг график кисмини буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси томонидан тақдим этилиши ҳакида мурожаат килишга ҳаклидирлар.

Шунингдек, буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси таъмирлаш хужжатларини танлаш иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

5.2. Танлаш иштирокчилари ишлар олиб бориладиган ер участкасини, мавжуд бино ва иншоотларни бориб кўришлари, жойнинг ўзида лойиҳа-смета хужжатларини ўрганиш натижасида, талаб этилган ишларни олиб бориш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг мазмун ва мөхияти билан танишишлари, шунингдек иш муддати ва унинг кийматига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа масалаларни ўрганишлари зарур.

5.3. Таклифларни топшириш танлаш иштирокчисининг юкоридагиларни ўргангани ва унда бажариладиган иш ҳажмларига, материал ва конструкциялар ҳажмига, бошқа шартларга нисбатан, таъмирлаш тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган савол йўклигига далолат ҳисобланади.

VI. ТАНЛАШ ТАКЛИФИНИ ТАЙЁРЛАШ

6.1. Танлаш иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, танлашга оид барча хабарномалар ва хужжатлар, танлаш иштирокчилари билан буюртмачи ва ташкилотчи ўртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖда кўрсатилган тилда олиб борилиши лозим.

6.2. Танлаш иштирокчиси томонидан тайёрланган танлаш таклифида, унга оид барча хабарномалар ва хужжатларда метр системаси ўлчовидан фойдаланилади.

6.3. Танлаш иштирокчиси танлаш таклифини мазкур танлаш хужжатлари асосида тайёрлайди. ТАЖда ва танлаш хужжатларининг бошқа кисмларида кўрсатилган маълумотларда тафовут бўлганида, танлаш иштирокчиси танлаш таклифини тайёрлашда ТАЖ маълумотларини ҳисобга олиши лозим.

6.4. Танлаш иштирокчиси ўз танлаш таклифининг таркибида факат тўғри маълумотларни тақдим этиши шарт ва маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

VII. ТАНЛАШ ТАКЛИФИ ТАРКИБИДАГИ ХУЖЖАТЛАР

7.1. Танлаш таклифлари, 7.7-бандда кўрсатилган ҳоллардан ташқари, иккита - биринчи ва иккинчи йиғма жилдан иборат. Биринчи йиғма жилдга кирувчи хужжатларда танлаш таклифи кийматига оид хеч кандай ахборотлар бўлмаслиги керак. Таклифни ташкил этувчи барча нархлар, тарифлар ва якуний суммалар факат иккинчи йиғма жилд хужжатларидан бўлиши керак.

7.2. Биринчи йиғма жилд таркибидаги хужжатлар:

7.2.1. ТАЖда кўрсатилган суммага банк кафолатини (1-шакл) ёки ушбу суммани буюртмачининг маҳсус ҳисоб ракамига ўтказиш топширикномасининг нусхасини тақдим килиш йўли билан танлашда иштирок этиши буюртманомасини таъминлаш амалга оширилади. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолати объект бошланғич нархининг 0,5 фоизидан ошмаслиги зарур. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолатининг амал килиш муддати ТАЖда кўрсатилган.

7.2.2. Танлаш иштирокчиси ҳакида умумий маълумотлар (2-шакл). Шаклни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони танлаш иштирокчиси томонидан мустакил кўрсатилади. Кўрсатилган ходимларнинг ҳакикатда мавжудлиги, уларни иш стажи ва малакасини тасдиқловчи хужжатлар нусхасини тақдим этишга мажбур.

7.2.3. Танлаш иштирокчисининг охирги уч йилдаги молиявий аҳволи (3-шакл). Шаклга Танлаш иштирокчиси аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳакидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаларини илова килишга мажбур. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, 4-шаклдаги маълумотлар минг сўмда келтирилади.

Объектнинг буюртмачи белгиланган бошлангич нархининг 20 %гача микдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат килувчи банк томонидан тасдикланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади).

7.2.4. Тендер иштирокчисининг иш ҳаки жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (4-шакл). Шакл ташкилотнинг охирги ҳисобот даври асосида молиявий кўрсаткичлари тўлдирилиб тегишли солик органлари томонидан тасдикланади.

7.2.5. Танлаш предметига ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси (5-шакл). Ушбу жадвалда танлаш иштирокчиси танлаш предметига ўхшаш ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак. Шаклда кўрсатилган маълумотларни тасдиғи сифатида давлат қабул комиссияларининг далолатномалари (агар танлаш иштирокчиси ёрдамчи пудратчи сифатида бўлган бўлса ҳисоб-фактура маълумотномалари) илова килинади.

7.2.6. Танлаш иштирокчиси ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати (6-шакл). Агар ТАЖда бошка ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара ва лизинг асосидаги машина ва механизмлардан фойдаланишга руҳсат этилади. Бунда танлаш иштирокчиси таъмирлаш ишларининг бажариш даврида ҳакикий бўлган лизинг ёки ижара шарномасининг нусхасини илова килиши керак.

7.2.8. Талабгорнинг танлаш ўтказилаётган даврдаги жорий пудрат шартномалари (объектлари) бўйича маълумот. (7-шакл).

7.2.9. Курилиш майдонини кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома (8-шакл).

7.2.7. Танлаш иштирокчисига берилган, хужжатларга имзо чекиши ва танлашда катнашиш хукукини берувчи ишончнома (9-шакл). Танлаш иштирокчисининг биринчи шахси (раҳбари) ҳозир бўлганда ушбу шакл тўлдирилмайди.

7.2.8. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги хужжатларининг нусхалари.

7.2.9. Лицензиялар ёки руҳсатномалар нусхаси, субпудратчининг лицензияси ва бошка хужжатлари (айрим ҳолларда), руҳсатномалари нусхалари билан бирга, агар ТАЖда бошка ҳолат кўрсатилмаган бўлса. Лицензиялар ва руҳсатномалар номи ҳам ТАЖда кўрсатилган.

7.2.10. Юкорида сўралган шакллар ва хужжатларга танлаш иштирокчиси ТАЖда кўрсатилган тасдиковчи хужжатларни илова килиши керак.

7.3. 2-ийғма жилд таркибидаги хужжатлар:

7.3.1. Хизмат курсатиш ишларин бажаришга буюртма (1-илова).

7.3.2. Объектнинг хизмат курсатиш ишларини бажариш графиги (2-илова).

7.3.3. Объект хизмат курсатиш молиялаштириш графиги (3-илова).

7.3.4. Объект хизмат курсатишнинг шартномавий нархини белгилашда кўлланилган:

- жамланма жадвал;

- объектда бажариладиган иш ҳажмлари жадвали;

- объектда ишлатиладиган курилиш материаллари (материаллар таснифи ва микдори билан) рўйхатлари жадвали (4-илова).

Бажариладиган ишлар ҳажми жадвалини танлаш иштирокчиси ўз таклифида хар бир иш тури бўйича бир бирлик иш ҳажмлари нархини ресурсларни акс эттирумасдан тақдим қиласди.

Курилиш материаллари бўйича жадвални тўлдириш юзасидан 8.2 бандга қаранг.

7.4. Буюртмачи танлашда катнашиш буюртмаси таъминотини куйидаги ҳолатларда кайтаради:

7.4.1. Танлаш ғолибига - шартнома (контракт) имзолангандан кейин;

7.4.2. Бошка иштирокчиларга - танлаш ғолиби билан шартнома (контракт) тузилгандан сўнг, аммо офертанинг амал килиш муддатидан кечикмай;

7.4.3. Таклифни тақдим этишнинг охирги куни ва вакти тугагунга қадар таклифларини кайтариб олган иштирокчиларга.

7.5. Буюртма таъминотини қайтариш, банк амалиётларининг харажатларидан ташкари, қайтариш асоси вужудга келган вактдан эътиборан 10 (үн) кун муддат мобайнида амалга оширилади.

7.6. Танлашда иштирок буюртма таъминоти куйидаги ҳолатларда қайтарилилмайди:

7.6.1. Таклифни тақдим этишнинг охирги куни ва вакти тугагандан кейин, унга ўзгаришиш киритган, тендер таклифининг амал килиш муддати ва 7.4.2 бандда кўрсатилган муддатдан олдин қайтариб олган оферентага;

7.6.2. Танлаш ғолиби унинг таклифи амал килиш даврида ўз таклифини қайтариб олганда ёки танлаш хужжатларида белгиланган талабларда шартнома тузишдан бош тортганда.

7.7. Дастлабки малака танлаши оркали танлаш ўтказилганда биринчи йигма жилд хужжатлари малакавий хужжатлар деб, иккинчи йигма жилд хужжатлари эса танлаш таклифи деб ҳисбланади.

VIII. ТАНЛАШ ТАКЛИФИ НАРХИ

8.1. Ишларнинг киймати 4-иловада кўрсатилган объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатига биноан тақдим этилиши керак. Объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатида хар кайси ўрин бўйича бўш жойлар танлаш иштирокчиси таклиф этаётган баҳо кўрсатилган ҳолда аник тўлдирилган бўлиши лозим. Танлаш иштирокчиси таклифининг умумий нархини аниклашда оралиқ суммалар жамланади. Танлаш иштирокчилар пудрат ишлари танлашда иштирок этаётганда объектнинг таклиф этилаётган кийматини, курилиш-монтаж ишларининг шартномавий баҳолардаги тўғридан тўғри киймати сифатида бошка харажатлар ва қўшимча киймат солиги (ҚҚС)ни ҳисобга олган ҳолда белгилашлари керак. Курилиш-монтаж ишларининг тўғридан тўғри кийматига доимий коэффицент сифатида кўлланиладиган бошка харажатлар қийматини танлаш иштирокчиси мустақил равишида белгилайди ва ишлар кийматига

киритади. Бунда, танлаш иштирокчиси ташкилотлар таклиф этаётган нархни ҳисоблашда 1 ва 4-иловалар талабларига амал қилиши шарт.

8.2. Танлаш иштирокчиси объект курилиши (реконструкция килиш, капитал таъмирлаш)нинг шартномавий нархини белгилашда кўлланилган курилиш материалларининг нархлар ва компонентлар жадвалини тўлдиради. Бунда курилиш материаллари турини танлаш хужжатларида Ф-5 шаклидаги (локаль ресурс кайдномаси) рўйхатдан олади ва пудратчи томонидан мустақил танлаш предметининг техник жиҳатларидан келиб чиқиб тўлдиради.

Ҳар бир аник объект асосий курилиш материаллари номенклатураси (расмий рўйхати) объект қийматининг 100 % ини (лойиҳада кўзда тутилган) ташкил этувчи қурилиш материалларини ҳисобга олган ҳолда тўлдирилади.

8.3. Танлаш иштирокчиси объектда бажариладиган иш ҳажмларининг баҳолангандан рўйхатини ва асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлар жадвалини босма кўринишда, хат доғларисиз ва тузатишларсиз тақдим этиши керак.

8.4. Сўз билан ёзилган нарх ва ракам билан кўрсатилган нарх орасида тафовут бўлса, сўз билан кўрсатилган нарх қабул килинади.

8.5. Ҳажм бирлигининг қиймати ва ишнинг умумий ҳажми суммаси орасида тафовут бўлса ҳажм бирлигига белгиланган нарх қабул килинади.

8.6. Танлашда белгиланган курилишнинг нархи ва муддати ўзгартирилмайди, конунчилик билан белгиланган ҳолатлар (буортмачи томонидан ишлар ҳажмини ўзгартирилиши, енгилмас куч таъсири, курилишнинг бир йилдан ортиқ давомийлиги) бундан мустасно.

8.7. Шартнома нархини иккинчи ва кейинги йилларга мувофиқлаштириш асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари ўзгарганда конунчиликда белгиланган тартибда олиб борилади.

IX. ТАНЛАШ ТАКЛИФИННИГ АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ

9.1. Танлаш таклифининг амал қилиш даври танлаш таклифлари элон якунланганидан кейин 10 кунгача куриб чикилади

X. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ

10.1. Танлаш иштирокчиси таклифни e tender.uzex.uz портали оркали амалга оширилади

XVII. МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ, ТАНЛАШ ГОЛИБИНИ АНИҚЛАШ

17.1. Молиявий таклифларни очиш ва баҳолаш танлаш комиссияси томонидан танлаш таклифларининг биринчи йиғма жилдларини тасдиклаш ва уларни кўриб чиқиш натижалари эълон килинганидан сўнг амалга оширилади.

17.2. Иккинчи йиғма жилдларни очилишига малака танлашидан муваффакиятли ўтган танлаш иштирокчиларига рұхсат этилади.

17.3. Иккинчи йиғма жилдларни очилиши мазкур танлаш иштирокчилари йўрикномасининг XIV боби талабларига асосан амалга оширилади.

17.4. Танлаш комиссияси таклифларни бутлигини текширади, 2-йиғма жилд хужжатларини тўғри тўлдирилганлиги, имзолангани ва умумий ҳолати юзасидан ўрганади.

17.5. Агар танлаш комиссияси томонидан 2-йиғма жилддаги таклиф хужжатларининг бирортасини танлаш хужжатлари талабларига жавоб бермаслиги аникланган тақдирда танлаш иштирокчисининг таклифи рад этилиб, унинг мазмуни эълон килинмасдан танлашдан четлатилади.

17.6. Танлаш комиссияси таклифлари 17.5-банднинг талабларига зид бўлмаган танлаш иштирокчиларининг 1-иловада кўрсатиб ўтилган нархи ва ишларни якунлаш муддатларини ўқиб эшилтиради.

17.7. Сўнгра таклифлар арифметик текширудан ўтказилиб, таклиф таркибида келтирилган объектда бажариладиган иш ҳажмлари билан танлаш хужжатлари таркибида келтирилган иш ҳажмларини солиштириш амалга оширилади ва танлаш таклифларига молиявий баҳо берилади.

17.8. Арифметик хатолар мазкур танлаш иштирокчилари йўрикномасининг 8.4 ва 8.5-бандларига биноан тузатилади.

17.9. Зарур бўлганда, танлаш комиссияси 2-йиғма жилд хужжатларида келтирилган маълумотларни, хусусан ҳисоб-китобларнинг иктиносидай асосланганлиги, иш ҳажмлари танлаш хужжатларига жавоб бериши ва бошқа ҳолларни батағсил ўрганиш учун комиссия аъзолари ва жалб этилган мутахассислардан иборат баҳолаш гуруҳи тузиш ҳуқуқига эга.

17.10. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, барча молиявий таклифлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида баҳоланади (ўтказилади).

17.11. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, танлаш иштирокчиларининг таклифлари куйида кўрсатилган танлаш таклифларининг молиявий баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади:

XVIII. ТАНЛАШ ГОЛИБИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

18.1. Танлаш голибини эълон қилиш e tender.uzex.uz портали оркали амалга оширилади

XIX. ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ, ОБЪЕКТ СУҒУРТАСИ

19.1. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифни қабул қилиш ҳақида хабарнома олинган кундан бошлаб 10 (үн) кун давомида голиб ТАЖда кўрсатилган шакл ва сумма бўйича пудрат шартномасини имзолаши керак, агарда белгиланган муддат бошқа сабабларга кўра узайтирилмаётган бўлса.

19.2. Пудрат шартномаси, қурилиш пудрат ташкилотларининг мулкчилик шаклидан қатъий назар қўшилган киймат солиғини ҳисобга олган ҳолда, танлаш хужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича тузилиши лозим ва томонларнинг хеч бири Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофик бошка томон билан келишмаган ҳолда ўзгартиришлар киритишга ва бошка шартларни таклиф этишга ҳақли эмас (ТАЖга қаранг).

19.3. Агар танлаш ғолиби мазкур танлаш хужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича шартномани тузишдан бош тортса, унда буюртмачи, танлаш комиссияси билан биргаликда, таклифи иккинчи ўринни олган танлаш иштирокчисини танлаш ғолиби деб топиши ёки такрорий танлаш ўтказишни тайинлаши мумкин.

19.4. Буюртмачи ғолибни розилигисиз, мазкур танлаш хужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси конунчилигида кўзда тутилган талаблар бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, ғолиб иктисадий судга мурожаат килишга ҳақли.

19.5. Танлаш ғолиби қурилиш (реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш) суғуртасини қонунчиликда белгиланган тартибда таъминлайди.

XXI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

21.1. Танлаш қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон килинади, агар:

- таклифларни бериш муддатини якунланишига учтадан кам таклиф келиб тушса;
- агар таклифларни кўриб чикиш натижасида танлаш комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки факат битта таклиф танлаш хужжатлари талабларига мувофик келса:
 - танлаш иштирокчилари таклиф этган нархлар танлаш предметининг бошлангич кийматидан ошиқ бўлса;
 - танлаш комиссияси томонидан асосланган бошка ҳолатлар юзага келиб, ваколатли орган билан келишилган ҳолда танлаш ўтказилмаган деб топилса.

21.2. Танлашни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиниши танлашнинг бирон-бир иштирокчиси (танлаш комиссияси, буюртмачи, ташкилотчи, танлаш иштирокчилар)ни мулкий ёки бошка жавобгарликка тортилишига олиб келмайди.

21.3. Агар танлаш бўлиб ўтмаган деб топилса, такрорий танлаш ўтказилади. Бунда танлаш хужжатлари талабларини кайта кўришга рухсат этилади.

XXII. ТАНЛАШ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим танлаш предмети бўйича ва танлаш хужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари маҳсус қоидаларини ўз ичига олади.

Т/п	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи:	
2.	Объект номи:	Пешку туман Хуррам МФЙ худудида пиёдалар йўлакларини таъмирлаш
3.	Танлаш тартиб раками:	№
4.	Танлаш тури:	Очиқ танлаш.
5.	Танлаш хужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	https://etender.uzex.uz маҳсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин,
6.	Танлашни ўтказиш манзили, жойи ва муддати:	
7.	Декларация шакли:	1-шакл ёки Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолати обьект бошлангич нархининг 0,5% ташкил киласи. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолатини олган қунидан бошлаб 1 ой амал килиш муддати
8.	Танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади:	https://etender.uzex.uz маҳсус ахборот порталида эълон килинади.
9.	Танлашда иштирок этишга қуйидаги танлаш иштирокчиларига рухсат этилади:	Етарили машина-механизмлар билан таъминланган, соҳа бўйича зарур курувчи-муҳандисларга ва ўхшаш обьектлар қурилишида бой тажрибага эга бўлган, молиявий баркарор ташкилотлар иштирок этадилар. Кайта ташкил этилиш (бўлинish, кўшилиш), тутгатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий қарамлаги мавжуд бўлмаганларга. Икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рухсат этилмайди.
10.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса):	
11.	Танлаш таклифларини тақдим килиш муддатлари:	Офёргаларни тақдим этишнинг охирги муддати порталда белгиланган танлашнинг якуний муддатига кадар.
12.	Танлаш ҳужжатининг тили:	Ўзбек
13.	Танлаш таклифининг амал килиш муддати:	Танлаш таклифлари очилгандан кейин 20 кундан кам бўлмаган муддат.

15.	Танлаш предметининг обьектида ишлатиладиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизмлари, асбоб-ускуналари:	6-шаклига асосан “Ишларни бажаришда фойдаланадиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати”.
16.	Танлашда иштирок этиш учун талаб килинадиган айланма маблаглари миқдори.	Талаб килинадиган айланма маблаглари миқдори 20 фоиз миқдорида.
20.	Танлаш таклифларини баҳолаш муддати:	Таклифлар бериш тугаганидан кейин 10 кун ичидা
21.	Танлаш иштирокчиларининг техник ва молиявий кисмларини очилишига рухсат этиладиган танлаш иштирокчилари:	Танлаш хужжатларида кўрсатилган малакали шахслар.
22.	Буюртмачининг обьект бўйича бошлангич нархи:	ККС билан 89 598 000 сум.
23.	Буюртмачи томонидан белгиланган қурилиш муддати	20 календарь кун.
24.	Молиялаштириш манбаси:	Бюджет маблағлари
25.	Таъмирлашни молиялаштириш тартиби:	Таъмирлаш ишларининг жорий йилдаги кийматининг 30 % аванс (бўнак Охирги тўлов - 70% фойдаланишнинг тўлов кафолат муддати тугаганидан сўнг.
26.	Шартнома тили:	Ўзбек тили
27.	Шартнома валютаси:	Ўзбек сўмда

«ТАСДИҚЛАНДИ»

Буюртмачи номи:

Пешку туман Ободонлаштириш бошкармаси



К.Р.ИМОМОВ

“ — ” 2022 йил

Пешку туман Хуррам МФЙ худудида пиёдалар йўлакларини таъмирлаш

№	Маъдумотлар руйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Бажариладиган иш	Пешку туман Хуррам МФЙ худудида пиёдалар йўлакларини таъмирлаш
2	Буюртмачи	Пешку туман Ободонлаштириш бошкармаси
3	Алоҳида талаблар	Ишлар сифатли ва сифат сертификатига эга булиши шарт. Бошқа талаблар элон etender.uzex.uz порталида жойлаштирилди.